

7- мавзу. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ)

Асосий саволлар:

1. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ) ҳақида умумий маълумотлар
2. МХСТнинг аҳамияти ва вазифалари, уни амалга тадбиқ қилиш

Таянч сўз ва иборалар

Стандартлар тизими, хавфсизлик талаблари, метрологик таъминот, ҳуқуқий-меъёрий асос, меҳнат Кодекси, меҳнат хавфсизлиги, стандартлаш, корхона стандартлари, техник шарт.

Меҳнат шароитларини меъёрлаштириш, ишчилар учун соғлом ва хавфсиз иш шароитини таъминлаш мақсадида меҳнат хавфсизлиги талаблари асосида стандартлар ишлаб чиқилиб улар маълум бир системага солинган.

Корхонадаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

1. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ) ҳақида умумий маълумотлар

МХСТ- бу иш фаолияти давомида ишчиларни соғлиги ва ҳаётини сақлаш, хавфсиз иш шароитларини яратишни таъминлашга қаратилган санитария-гигиена, метрологик, ташкилий-техник қоида ва меъёр талаблардан ташкил топган ўзаро боғланган **стандартлар комплекси**дир.

МХСТ нинг **асосий мақсади**- меҳнат шароити хавфсизлигини стандартлаштириш бўйича ягона давлат сиёсатини олиб боришга йўналтирилган ўзаро боғланган стандартлар комплексини ўрнатиш.

Меҳнат хавфсизлиги талабларини стандартлаштириш бўйича ишлар икки йўналишда олиб борилади:

1. хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш бўйича талабларни акс эттирувчи махсус стандартларни ишлаб чиқиш;
2. стандартлар ва техник шартларга “Хавфсизлик талаблари” деган махсус бўлим киритиш.

Биринчи йўналиш меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими (МХСТ) ни ишлаб чиқишда амалга оширилади.

Ўз МХСТ нинг таъсир доираси қуйидаги стандартлаштириш объектларини ўз ичига олади:

- 0- асосий ҳолат ва умумий ташкилий- методик асослари;
- 1- меҳнат хавфсизлигини метрологик таъминлаш;
- 2- меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш бўйича умумий ҳолат;
- 3- ишлаб чиқаришнинг зарарли ва хавфли омилларини классификациялаш;

- 4- меҳнат хавфсизлиги бўйича терминлар ва асосий тушунчаларни аниқлаш;
- 5- ишлаб чиқаришнинг зарарли ва хавфли омиллари бўйича меҳнат хавфсизлигини меъёр ва талаблари (электрхавфсизлик, ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, гигиеник ва умумий талаблар);
- 6- ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омилларини меъёрий кўрсаткичлари;
- 7- ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омилларини назорат методлари (ўлчаш, синаш, таҳлил қилиш);
- 8- ишлаб чиқариш жиҳозларига, автомат ва ярим автомат режимида ишлайдиган ишлаб чиқариш жиҳозлари гуруҳларига хавфсиз ишлашни умумтехник талаблари ва яна бу талабларни бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари;
- 9- ишлаб чиқариш жараёнлари ва технологик жараёнлар кўринишига умумтехник хавфсизлик талаблари ва бу талабларни бажарилишини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари;
- 10-ишчиларни ҳимоя қилиш воситалари классификацияси

Ҳозирги кунда 370 номдаги давлатлараро стандарт (ГОСТ) лар ишламоқда. Асосий ҳолатларни тартибга солувчи Ўзбекистон давлат стандартлари ҳам қабул қилинган. Меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизимига “12” шифри берилган ва у 0 дан 9 гача рақамлардан иборат шифр ости тизимлардан ташкил топган. 6 – 9 тизимлари ҳозирча захира ҳисобланади.

Ўзбекистон МХСТининг стандартлари қуйидагича классификацияланади:

- 0-ташкилий –методик стандартлар;
- 1-ишлаб чиқаришнинг зарарли ва хавфли кўринишдаги омилларига меъёр ва талаб стандартлари;
- 2-ишлаб чиқариш жиҳозларининг хавфсизлигига талаб стандартлари;
- 3-ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлигига талаб стандартлари;
- 4-ишчиларни ҳимоя қилиш воситаларига талаб стандартлари;
- 5- бино ва иншоотлар хавфсизлигига талаб стандартлари;
- 6-9 –захира.

МХСТ стандартлари қуйидаги схемадагидек ифодаланади.



1 – расм. МХСТ стандартларининг ифодаланиш структураси.

МХСТ давлат миқёсида ва корхона миқёсида бўлади.

Кўплаб чет элларда, халқаро ташкилотларда ҳам шундай стандартлар ишлаб чиқилган ва улардан энг йириклари стандартлаш соҳасидаги халқаро ташкилот (ИСО), унинг таркибига кирган Халқаро Электротехник Комиссия (МЭК) ҳисобланади. Халқаро Меҳнат ташкилоти (МОТ) да меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Бир нечта фойдаланиладиган тизимларни кўриб чиқамиз.

О-тизимни куриш асосларининг ташкилий – услубий стандартлари, куйидагиларни белгилайди:

- МХСТ нинг мақсадлари, масалалари, ёйилиш соҳаси;
- меҳнат муҳофазаси соҳасидаги атамалар;
- хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг таснифи;
- ишчи ва хизматчиларга хавфсиз меҳнатни ўрганиш тартиби ва х.к.

Ҳозирги пайтгача МХСТ нинг 4 та асос бўлувчи стандартлари ишлаб чиқилган:

1-“ГОСТ 12.0.001 – 80” МХСТ. Асосий қоидалар;

2- “ГОСТ 12.0.002 – 80” МХСТ. Асосий тушунчалар, атамалар ва таърифлар;

3- “ГОСТ 12.0.003 – 74” МХСТ. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари. Таснифлар;

4- “ГОСТ 12.0.004 – 79” МХСТ. Ишловчиларни хавфсиз меҳнатга ўргатишни ташкиллаштириш. Умумий қоидалар.

Умумий қоидалар

1. Хавфли ва зарарли омиллар бўйича меъёрлар ва талабларнинг Давлат стандартлари; хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг тавсифини (кўриниши, таъсири, чегаравий – жоиз қийматлари, уларни

назорат этиш усуллари), хавфли ва зарарли хусусиятларга эга моддалар билан ишлаганда хавфсизлик талабларини белгилайди.

Бу тизимга, шунингдек, қуйидаги стандартлар ҳам киради: портлаш хавфсизлиги, ёнғин ва электр хавфсизлиги, титрашга оид ва биологик хавфсизлик; шовқин, ультратовуш, электромагнит майдонларидан химояланишга умумий талаблар; иш ўрнидаги ёритилганлик ва ҳаво муҳитига талаблар.

2. Ишлаб чиқариш ускуналарининг хавфсизлигига талаблар стандартлари.
3. Ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсизлигига талаблар стандартлари.
4. Ишловчиларни химоялаш воситаларига талаблар стандартлари ва бу воситаларнинг синфланиш таснифи.
5. Ишлаб чиқариш бино (хоналари) хавфсизлигига талаблар стандартлари.

Ўз МХСТнинг 5 гуруҳи номенклатураси ва даражасини Давархивқурилиш белгилаб беради.

Ўзбекистон МХСТ стандартларининг 0, 1, 2, 3, 4 гуруҳлари давлатлараро стандартлар (ГОСТ) ва Ўзбекистон давлат стандарти ҳисобланади (O`z Dst). Асослаб берилган ҳолатларда 0, 2, 3, 4 гуруҳ стандартлари тармоқ стандартлари бўлиши мумкин (Tst).

Меҳнат хавфсизлиги бўйича корхона стандартлари МХСТнинг ташкилий қисми (МХСТ КС) саналади.

Корхона стандартларига “0” ва “4” таалуқли.

Стандартларнинг жорий қилиниши ва бажарилишини назорат қилиш Госстандартнинг органлари томонидан касаба уюшмаларининг меҳнатни техник назорат қилиш ва халқ хўжалигида ишлар хавфсиз бажарилишини назорат қилувчи давлат назорат органлари билан биргаликда, шунингдек, вазирликлар, муассасалар, корпорациялар, ассоциациялар томонидан амалга оширилади.

1. МХСТнинг аҳамияти ва вазифалари, уни амалга тадбиқ қилиш.

Меҳнаткашларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, хавфсиз иш шароитларини яратиш бериш, касбий касалликларни ва ишлаб чиқариш жароҳатларини йўқотиш Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг асосий ғамхўрликларидан бири бўлиб, бу Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси, “Ўзбекистон Республикаси Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақида”ги қонун ҳамда ВМнинг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асосларида ўз ифодасини топган.

Ушбу қонунларни бажарилишида МХСТнинг амалий аҳамияти жуда каттадир, яъни меҳнат муҳофазаси бўйича қонунларни бажарилиши учун меҳнат хавфсизлиги стандартларига амал қилиш зарурати туғилади.

МХСТ нинг асосий вазифаси хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш бўйича талабларни акс эттирувчи махсус стандартларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга тадбиқ этишдан иборат.

Иш жойларида хавфсизлик талабларини ўрнатувчи МХСТ стандартларини қўллаш меҳнат хавфсизлиги хизмати томонидан ишлаб чиқиладиган ва ташкилий-техник тадбирлар режаси асосида олиб борилади.

Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ҳаво муҳитининг чангланиш ва газланиши, шовқин, титраш, нурланиш ва меҳнатнинг бошқа зарарли томонларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш ГОСТ 12.1.005-88 “Цехларда мўътадил шароитлар санитария меъёрлари” бўйича, титрашни ўлчашдан олинган катталикларни санитария қоида ва меъёрлари баҳолаш СанПиН0063-96 бўйича белгиланади.

Дастгоҳ, машина ва механизмлар лойиҳалари хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига жавоб бериши керак. Бирорта янги машина, дастгоҳ ёки механизм меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермаса, ишлаб чиқаришга жорий қилинмайди. Бу борада тегишли стандартлар ишлаб чиқилган.

“ГОСТ 12.0.004 – 79. Ишловчиларни хавфсиз меҳнатга ўргатишни ташкиллаштириш. Умумий қоидалар” га асосан корхона маъмурияти меҳнат муҳофазаси тадбирларини режалаштириши, моддий таъминлаши зарур. Айни пайтда ишчи ва хизматчиларни йўриқномалар билан таништириши ва уларни ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига риоя қилишларини таъминлашлари лозим.

“ГОСТ 12.2.004 – 79. -ишлаб чиқариш жиҳозларининг хавфсизлигига талаб стандартлари бўлиб, янги технологик жараёнларни, машина – ускуналарни лойиҳалашда унга амал қилиниши шарт.

Янги яратилган машиналарни тебраниш кўрсаткичлари тажриба ёрдамида ГОСТ 12.1.034-81 МХСТ ”Тебраниш. Ўлчаш олиб бориш учун умумий талаблар” бўйича олиб борилади ва машина ва механизм паспортида кўрсатилади. Ишлаб чиқариш корхоналарига жиҳозни ўрнатилгандан кейин ўлчаш натижалари бирор кўрсаткич бўйича озгина ошганлиги аниқланса, иш жойини шовқиндан ҳимояловчиларни ўрнатиш билан ҳимоя қилинади ва бу ишлар ГОСТ 12.4.093-80 МХСТ “Тебраниш. Стационар машиналар. Конструкцияни ушлаб турувчи шовқин туткични ҳисоби” бўйича олиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, МХСТ Ўзбекистонда меҳнат хавфсизлиги борасида олиб бориладиган ишларни тартибга солиб туради ва бу борадаги ишларда ягона давлат сиёсатини олиб боришга хизмат қилади.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. МХСТ нима ва унинг мақсадини айтиш?
2. МХСТ нинг стандартлаштириш объектларини сананг?
3. МХСТ стандартларини ифодалаш структураси қанақа?
4. МХСТ стандартларинининг амалий аҳамияти нималарда намоён бўлади?
5. Республикадаги қайси органлар стандартлаш бўйича ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш ишларини бажаради?
6. ЎЗРда стандартлашда қанақа меъёрий хужжатлар қўлланилади?

Уйга вазифа

Ҳозирги кунда амалда қўлланилаётган ишлаб чиқариш жараёнларининг хавфсизлигига талаблар стандартлари билан танишиб, уни ўрганинг ва қуйидаги жадвални тўлдириг:

Т/Р	Меъёрий ҳужжат номи, белгиси	Меъёрий ҳужжат белгиси	Қўлланиш соҳаси	Изоҳ
-----	------------------------------	------------------------	-----------------	------

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Ў. Йўлдошев, У. Усмонов, О. Қудратов Мехнатни муҳофаза қилиш меҳнат 2001й.
2. «Безопасность жизнедеятельности». Под общей ред. проф. Белова С.В., М., «Высшая школа», 2000.
3. Кукин П.П. и др. «Безопасность технологических процессов. Охрана труда» М. «Высшая школа», 2000.
4. Қудратов О.Қ., Ғаниев Т.А., Сосновский Ю.С. “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги”, маърузалар матни, ТТЕСИ, 2000.
5. Раҳимова Х., Аъзамов А.,Турсунов Т. Мехнатни муҳофаза қилиш. Тошкент. Ўзбекистон. 2003 й.